

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ОДАМЛАРНИНГ РУҲИНИ КЎТАРДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни ўз берган табиий офат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида 28 апрель куни Бухоро вилоятида бўлди.

27 апрель куни мамлакатимизга Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳаёти, инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Шамолнинг тезлиги айрим ҳудудларда секундига 40 метргача етди. Ходиса талафотлари, айниқса, Бухоро вилоятида катта бўлди. Бир неча фуқаро жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлди. Шунингдек, уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди.

Халқ ичида бўлиш, одамларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш, турмуш шароитини яхшилаш Президентимиз

фаолиятининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ҳозирги пандемия шароитида долзарб масалаларнинг кўплиги ва ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, халқ дардига малҳам бўлиш учун зудлик билан Бухоро вилоятига етиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вертолётда Қорақўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди. Олот тумани марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари кутилмаган табиий офат — кучли шамол одамлар турмуши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга салбий таъсир қилганини афсус билан қайд этди.

Коронавирус пандемияси пайтида ҳамма ташкилий чора-тадбирларни кўриб, тартиб-интизомни қаттиқ тутганимиз натижаларини кўряспизлар. Ҳар бир фуқаронинг ҳаётини асраш учун 24 соат ҳаракат қиляпмиз. Албатта, бу ҳаммамизнинг бошимизга тушган катта синов. Аввал айтганимдек, биз бу қийинчиликдан жипслашиб, янада қудратли бўлиб чиқамиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз ошади. Кечаги офат ҳам яна бир синов бўлди. Ҳаммасини бевосита кўриш, сизларнинг қайфиятларингизни кўтариш учун ўзим келдим. Қўлимизда барча маълумотлар бор. Қанча маблағ керак бўлса,

берамиз. Биронта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмайди. Энг катта масала — саранжом бўлиб, одамларни асраш керак, деди Президент. Давлатимиз раҳбари саросимага тушмасдан ҳар кунги юмушларни давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, тураржойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Депутатлар Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги юзасидан бир хулосага келишди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилди.



Қайд этиш жоиз, бугун Ўзбекистон ташқи сиёсати чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий жиҳатдан мустақам йўналишлар асосида ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, чегарадош давлатлар билан хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш устуворликка эга.

Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва жаҳон бозорига интеграциялашув жараёнлари ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада мамлакатимиз ўз манфаати учун муҳим бўлган дадил қадамларни ташлади.

ЕОИИ билан интеграциялашув масаласини чуқур, илмий асосланган

ҳолда ўрганиш мақсадида парламент қўйи палатаси томонидан Ишчи гуруҳи тузилиб, мазкур масала бўйича барча тақлиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш топширилган эди. Мажлисида иттифоқ билан ҳамкорлик масаласи юзасидан Ишчи гуруҳининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, хусусан, иттифоққа тўлақонли аъзо бўлиб кириш ёки кузатувчи мақомига эга бўлиш каби шакллари Ўзбекистон манфаатларига нечоғли мос келиши ва айна пайтда мақбул эмас деб ҳисобланган жиҳатлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳар томонлама ўрганилди, очиқ таҳлил қилинди.

➡ 3

Сенатор ва ҳаёт

ҲАР БИР ХОНАДОН ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Мамлакатимизда пандемия оқибатларини бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар узлуқсиз амалга ошириляпти. Давлат раҳбари томонидан ўтказиб келинаётган видеоселектор мажлисларида қатъий вазифалар белгилаб берилмоқда, қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Буларнинг барчаси коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, миллий иқтисодиётга унинг салбий таъсирини камайтириш, аҳолининг кенг қатламини манзилли қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир.

Президентимизнинг кеча эълон қилинган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам юртимизда инсон ва унинг манфаати ҳар нарсадан устун эканлигини яна бир бор намоён этди. Гап шундаки, корона-вирус пандемияси бошлангандан буюн бу борада бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда видеоселектор йиғилишлари ўтказилди. Тадбиркорларга қатор имтиёз ва преференциялар берилишидан ташқари, аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб келяпти. Хўш, шундай экан, янги ҳужжат зарурими? Президентимиз, албатта, зарур деб топди. Янги Фармон ана

шу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги шароитда асосий даромад манбаини йўқотган шахслар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламли ва тадбиркорлик субъектлари қўшимча тарзда қўллаб-қувватланади. Масалан, ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди ва табиийки, даромад солиғига тортилмайди. Ушбу ҳужжатда яна қўллаб-янгиликлар борки, шу сабабли ҳам уни аҳолимиз катта мамнуният билан қарши олди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқариш-ни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан

барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик”ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажминини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади;

(Давоми 2-бетда).



«Обод қишлоқ» дастури натижаларини БМТ ва ЕХҲТ вакиллари эътироф этди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Макгрегор Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида бўлиб, Президент Халқ қабулхонаси бошчилигида “Обод қишлоқ” дастури доирасида бунёд этилган “Олтинқўл” маҳалласидаги янги тураржой массиви билан танишди.

Бунёдкорлик

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки даврларида — 1967 йилда ташкил этилган Пахтакор туманида яқин йилларгача меҳмонларга мақтаниб кўрсатадиган бирор тузукроқ жой ҳам йўқ эди. Аксинча, қурилганига бир неча йиллар бўлган, бугун эса замон талабларига мутлақо жавоб бермай қолган абгор уйлар, ижтимоий инфратузилма объектлари аҳолига

катта қийинчилик туғдириб келаётганди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилган ишлардан сўнг, ҳудудда манзара бутунлай ўзгарди. Қўрган одамнинг ҳаваси келади. Туманга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам тураржой массивининг янги қиёфасини, яратилган шароитларни эътироф этишди.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 28 апрель соат 21.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 1939 нафар, тузалганлар 992 нафар, вафот этганлар 8 нафар.

дунёда

2020 йил 28 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — 3 063 814 нафар, касалликдан тузалганлар сони — 906 898 нафар, вафот этганлар сони — 212 345 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Депутатлар Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги юзасидан бир хулосага келишди



ЕОИИ билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, тартибга солувчи органлар ва уларнинг фаолияти, шунингдек, ўзаро келишув ҳамда битимлар тузиш ва уларни амалга ошириш механизмлари мамлакат учун қандай истиқболли самаралар беради ҳамда қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Шу ва бошқа қатор саволларга аниқ, асосли жавоб топиш учун ушбу масаланинг концептуал жиҳатлари баробарида, бошқа йирик, майда қирраларини ўрганиш ҳам назардан четда қолмади.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан алоқаларининг миллий иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига ушбу ташқилот билан ҳамкорликнинг мослигини ўрганиш, иқтисодиёт тармоқларига ижобий ва салбий жиҳатдан таъсирини кўриб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги масаласи юзасидан фуқаролар ҳамда бизнес ҳамжамияти ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари, олимллар, экспертлар, мутахассисларнинг мазкур масала юза-

сидан билдирган муносабатлари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Мазкур масала Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда қўмиталарда Ҳукумат аъзолари, тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иш-тирокида бир неча бор атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, ЕОИИ билан ҳамкорлик юзасидан жорий йилнинг 10 апрель куни Ҳукумат вакиллари ишти-рокида “Ҳукумат соати”, 16 апрель куни эса “Парламент эшитув”и ўтказилиб, уларда депутатлар томонидан кўтарилган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги ташки савдо айланишининг орттиши, иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигининг кучайиши ҳамда хорижий давлатларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳуқуқларининг ҳимояси мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик натижасида қўшимча равишда қиймати 1,6 миллиард АҚШ долларига тенг махсулотларни экспорт қилиш, темир йўлда ташиш ҳаражатларини 220 миллион АҚШ долларига арзонлаштириш ҳамда меҳнат мий-ранглари даромадларини 15 — 20 фоиз

ошириш имкониятлари пайдо бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигида божхона тартибларини соддалаштириш ҳисобидан ЕОИИ давлатларига Ўзбекистондан мева-сабзавот махсулотларини етказиб бериш ҳажми ошади. Шунингдек, халқаро ташишлар соҳасида рухсат бериш тартиблари соддалаштирилади, йўловчиларнинг, юклар ва транс-порт воситаларининг эркин ҳаракат-ланиши таъминланади.

Шу билан бирга, ўрганишлар мамлакатимизнинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги Ўзбекистон учун айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг пайсийи, иш ўринларининг қисман йўқотилиши, инвестицион фаолликнинг ҳамда иқти-содини модернизация қилиш суръ-атларининг пайсийишга олиб келиши мўмкинлигини кўрсатди.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзе-бекистоннинг ташки савдо ва тўлов ба-лансига ҳамда миллий валюта барқа-рорлигига таъсир кўрсатиши мўмкин.

Шунингдек, депутатлар Ўзбеки-стоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий таракқиётининг асосий кўрсат-кичларига, давлатимиз иқтисодий мустақиллигининг асосларига таъси-рининг ижобий ва салбий жиҳатлари-

ни ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоб-лайдилар.

Мажлис давомида депутатлар то-монидан ЕОИИ билан ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари юзасидан қатор ма-салалар кўтарилди. Жумладан, халқ вакилларини Ўзбекистон қорхоналари ЕОИИ маконида рақобатбардош бўла олиши, эҳтиمول кутилаётган салбий оқибатларининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги масалалари қизқитирди.

— ЕОИИ билан ҳамкорлик мамла-катимизнинг бундан кейинги ташки савдо алоқалари ривожига муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, туризм соҳасида, халқаро юк ҳамда йўловчи ташувлари соддалаштирила-ди ва бу борадаги имкониятларимиз янада кенгайди, — дейди Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депутати Зулайҳо Ақромова. — Бироқ Ўзбеки-стон ЕОИИ билан ҳамкорлик ўрнатил-шидан олдин тегишли инфратузил-мани барпо этиш ва миллий қонун-чиликни ЕОИИ доирасида қабул қилинган стандартларга мослаштириб бориш лозим бўлади. Хусусан, божхона постлари инфратузилмаси-ни тамомла қайтадан кўриб чиқиши керак.

— Ташқилот билан ҳамкорлик ўр-

натилиши Ўзбекистондаги истеъмол-чиларнинг минтақа бозоридagi иқти-содий рақобат натижасида нисбатан арзон ва сифатли махсулотларни ха-рид қилиш имкониятини янада оши-ради, — дейди Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутати Утқамжон Исмолов. — Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳали ривожланиб улгур-маган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сегментлари иттифоқнинг бошқа аъзо давлатлари қорхоналари томонидан эгаллаб олиниши хавфи ҳам сақланиб қолади.

Конструктив ва амалий руҳда кечган муҳокамалардан сўнг барча сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистон-нинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласи бўйича ўз позицияларини баён қилдилар. Муҳокамалардан сўнг Қонунчилик палатаси ҳўзурда тузилган Илчи гу-руҳининг хулосаси маъқулланди ва Ўзбекистон Республикасининг Евро-осиё иқтисодий иттифоқида “**қуза-тувчи давлат**” макомида иштирок этиши максдага мувофиқ, деб топил-ди ҳамда парламент қўйи палатаси-нинг тегишли қарори қабул қилин-ди. Ушбу қарор Олий Мажлис Сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳўнатиладиган бўлди.

Ўзбекистон ва ЕОИИ: Сиёсий партиялар фракциялари ушбу масалага қандай қарайди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 28 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида сиёсий партиялар фракциялари Ўзбекистоннинг Евро-осиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласини

халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ўта масъулят ҳисси ва жиддий ёндашув асосида кўриб чиқишди. Албатта, бу борада фикр-мулоҳазалар, муносабат-лар турлича. Конструктив таклиф ҳамда ақуний

хулосалар қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Барча сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ушбу долзарб масала юзасидан ўз позицияларини қуйидагича баён қилишди.



Ахтам ҲАЙТОВ, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

етақли мустақил консалтинг ком-паниялари ва илмий-тадқиқот му-ассасалари ўрганишлари натижа-лари, хорижий ва маҳаллий экс-пертлар хулосалари, тегишли ва-зирилик ва идоралар фикр-мулоҳа-залари каби жиддий таҳлилий ба-зага асосланади.

Фракциямиз сайловолди дасту-ридан келиб чиқиб, ЕОИИ билан ҳамкорлик ўрнатилишининг иж-обий томонлари сифатида юзага келадиған бир қатор афзаликлар-га тўхталиб ўтиш жоиз. Булар та-дбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг имкониятларни яратиш ва ички бозорнинг моно-полашувига йўл қўймастик. Мам-лакатнинг инновацион ривожлани-ши, “билимлар иқтисодиёти” ва рақамли иқтисодиётнинг таракқий этиши йўлидан жадал ҳаракат-нишини таъминлашга ҳамда таш-килотга аъзо давлатларнинг та-дбиркорлари ўртасида кооперация ва кластерларнинг шаклланиши,

мамлакатда илм-фан, ишбил-чиқариш интеграциясини ошириш-га хизмат қилади.

ЕОИИ билан ҳамкорлик қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини итти-фоққа аъзо мамлакатларга божхо-на тўловларисиз экспорт қилиш ҳамда ташки инвестиция жалб этиш орқали соҳани модерниза-ция қилиш ва жадал ривожланти-риш имкониятини ҳам беради.

Шу билан бирга, ҳамкорликнинг хатарли жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, иттифоқ ҳудудида ягона божхона тарифи қўлланилиши ту-файли саноат қорхоналарини мо-дернизациялашга талаб этилади-ган илгор технология қўсунарла-нинг учинчи давлатлардан импор-ти қийинлашуви натижасида, нефть-газ, электрэнергетика, кимё, озик-овқат ва бошқа соҳа-ларда режалаштирилган йирик инвестициявий лойиҳаларни амал-га оширишда муаммолар келиб чиқиши мўмкин. ЕОИИ билан ин-

теграциялашув мамлакат автомо-билсозлик саноатининг рақобат-бардошлиги ва унинг келажақдаги ривожига салбий таъсир кўрсати-ши, бунинг натижасида эса минг-лаб иш ўринлари йўқотилиши эҳтимоли катта.

ЎзЛиДеП фракцияси Ўзбекис-тоннинг ЕОИИ билан бўладиган муносабатларда юзага келувчи талаблар ва хавфларни тўла ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиниши тарафдоридир. Мазкур ҳамкорлик мамлакатнинг халқаро ташқилотлар ва хорижий давлат-лар билан алоқаларига салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳамда хал-қаро миқёсдаги мажбуриятлари тўла баҳарлиш имкониятини бери-ши керак. Шу нуктага назардан, миллий ва халқаро қонунчилик доирасида чуқур ўрганишлар таъшиқ қилиниши лозим бўлади.

ЎзЛиДеП иқтисодий ривожла-ниш нуктаи назаридан, Ўзбекистон-нинг ЕОИИ билан ҳамкорлик муно-сабатларини ривожлантиришнинг илк босқичида “қузатувчи давлат” форматидан фойдаланиш максад-га мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Алишер ҚОДИРОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари:



— Дунёда ҳеч қайси бир давлат ўз қобийига ўрнали олиб ривожланмайдиган, ортика муҳофа-зоркорлик ўсишга тўқсинлик қилади. Биз бу йўлни ҳам синаб кўрдик, натижадан бошимиз осмонга етгани йўқ. Биз манфаатларимизга мос келади-ган ҳар қандай ҳамкорлик тарафдоримиз.

ЕОИИ билан ҳамкорлик масаласи “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясида айнан шу қараш билан батафсил таҳлил қилин-ди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этил-ган таҳлил натижаларини ҳам пухта ўрганиб чиқ-дик. “Ҳукумат соати” ва “Парламент эшитув”и орқали масалага масъул вазирилик ҳамда идора-лардан аниқлашимиз керак бўлган жиҳатлар билан ойдинлик киритиб олдик. Фракцияимизнинг ўзида ҳам кўпгина муҳокамалар бўлди ва кўпчи-лик овоз билан ақуний хулосага келинди.

Ҳозирги шaroитда Ўзбекистон ЕОИИ билан интеграцион ҳамкорликка тайёр эмас, деб ҳисоб-лаймиз. Бу хулосага келишимизга сабаб бўлган айрим жиҳатларни айтиб ўтаман.

Биринчидан, бу ҳамкорлик хорижда ишлаётган ватандошларимиз даромадини ошириши мўмкин, лекин иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоғида малакали миллий кадрларни йўқотишга олиб келади. Буни ўрта ва узоқ истиқболда миллий иқтисодиётимиз учун ижобий сигнал, деб бўлмайди.

Иккинчидан, ягона бож тарифи 6 мингга яқин товарларда бож ставкаларини ўзгартиришни талаб қилади. Бу “силкиниш” босқичма-босқич, имтиёзлар билан амалга оширилган тақдирда ҳам миллий иқтисодиётимизга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, муҳим инвестицион лойиҳаларнинг амалга ошмаслиги-га ҳам сабаб бўлиши мўмкин.

Учинчидан, ЕОИИда амалиётда бўлган 48 та техник регламентнинг бор-йўғи 5 тасидан ҳабардоримиз, 14 тасида амалдаги регламентлар билан жиддий тафовутлар бор, 29 та регламент эса бизда умуман мавжуд эмас.

Қолаверса, биз дунё иқтисодиётига жиддий зарба бўлиши қўтилаётган пандемиядан кейин-ги давр қандай тус олиши ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. Қўпгина халқаро экспертлар пост пан-демия давр давлатлараро тузилмалар учун жуда оғир синов бўлади, деган фикрни илгари сур-моқда. Бу ҳақда Россия Федерацияси таъши иш-лар вазирининг “Катта йигирматалик” ва Европа Иттифоқи билан бир қаторда, ЕОИИ ва МДҲ ҳам қайта тафдақур қилиниши кераклиги ҳақидаги фикрни эътибордан четда қолдирмастик керак.

Юқоридagi фикрлардан келиб чиқиб, фрак-циямиз аъзолари бугунги шaroитда Ўзбекистон-ни ЕОИИга аъзо мамлакатлар билан амалдаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини яна-да ривожлантирган шаклда давом эттириши энг тўғри йўл, деб ҳисоблайди.



жараён. Фракциямиз бу жараён қузатувчи ҳақомидан бошлаб турли соҳаларда юзага келиши мўмкин бўлган ноумувофиқликларни аста-секин бартараф этган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилиши максдага мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга кириши мамлакат-нинг ягона ташки сийбатини амалга ошириш билан бир қаторда, халқимизнинг турмуш да-ражасини ва фаровонлигини юксалтиришга ҳамда экологик ҳавфсизлигини таъминлашга ҳам мос келиши дарқор.

«Халқ сўзи».

Сенатор мушоҳадаси

ҲОЗИРГИ ВАЗИЯТ БАРЧАМИЗНИ УЙҒОҚЛИК ВА ҲУШЁРЛИККА УНДАЙДИ

Бугун коронавирус билан боғлиқ мураккаб эпидемиологик вазият дунё ақли учун катта таъши бўлди. У тузғайли минглаб одамлар ҳаётдан қўз юммоқда, ҳажон иқтисодиёти изидан чиқмоқда. COVID-19нинг давосини топиш эса ҳозирча наманам деган олиму алломаларнинг ҳам қўлидан келмаяпти.

Аслида инсоният ўз тари-ҳида жуда қўлпаб вабою ўлат-ларни бошидан кечирган. Ма-салан, бундан бир аср олдин тарқалган “испан гриппи” ўша йилларда дунё аҳолисининг учдан бир қисмига юққани ҳамда миллионлаб одамлар умрига зомин бўлгани барча-га маълум. Бизнинг асримиз-да эса глобал муаммога ай-ланган “парранда гриппи”, “чўчка гриппи”, аттилик пнев-мония (SARS), Яқин Шарқ респиратор синдроми (MERS-CoV) каби қатор эпидемиялар ҳақида оммавий ахборот воси-талари орқали хабардор бўлган-дик, шукрки, бошдан ўтказмагандик. Аммо ҳозирги кунда бугун ҳажонни ларзага солаётган COVID-19 эпидемия-си тез тарқалиши ва осон юқши ҳисобига, минг афсус-ки, бизни-да четлаб ўтмади.

Айни вақтда давлат ва ҳуку-мат томонидан коронавирус пандемияси оқибатларини юм-шатиш ва касалиқнинг олди-ни олиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар қўрилиб, барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Хусусан, давлати-миз раҳбари 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йў-ғилиши аввалда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар-га яна бир алоҳида тўхта-либ, ҳозирги шaroит бутун халқимиздан ҳушёрлик ва оғо-ҳлини кескин қучайтириши, карантин билан боғлиқ жорий этилган барча тартиб-қоида-ларга сўзсиз ва қатъий амал қилиниш талаб этиётганини таъкидлади. Шу билан бирга, яна қатор видеоселектор йўғишлари ўтказилди, муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Табиий савол туғилади. Ҳўш, шу эътибор ва ғамхўр-ликка мўносиб жавоб қайта-ра оляпизми? COVID-19нинг қандай фалокат эканини ҳис этипмизми, тафдақур қилиб кўрпямизми? Барча мутасад-ди, шифокору ҳамширалар, ҳукукни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари халқи-миз соғлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай чинакам фидойилик қўрсатиб, ҳақрамонона ишлаётган бир пайтда, таассуфки, ушбу са-волларга тўлиқ ижобий жавоб топиш мушқурроқ. Ас ҳолда, карантин тартиб-қоидаларини бузган одамларимиз сафи бу-гун кўп бўлмасди.

Назаримда, айримлар бу вируснинг қандай даҳшатли



оқибатлар келтириб чиқариши-ни етарлики идорат этмаяпти. Шўнаа оғоҳлантиришлар, қа-рантин қоидаларига риоя этиш, ўзани ўзи изоляция қилишга қажирғу даъватлар баъзилар-га таъсир қилмапти гўё, қўзимизни очмаяпти.

Ваҳоланки, бугун Америка-дек дунёнинг наманам деган кудратли давлати ҳам “қўринмас душман” олдида оҳиз қолиб, касаллик юқтир-ган фуқароларига шифохона-ларда жой етказга олмаётган, вафот этаётганлар сони кў-пайиб бораётган бир вақтда, айримларнинг бепарволиги, лоқайд ва хотиржамлиги тўғримикин? Эпидемия авж олган бошқа мамлакатларда ҳам бу каби ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалардан оммавий ахборот воситалари орқали я-шигина хабардоримиз-ку ахир!

Фельимиздаги бу иллат билан нафақат ўзимизга, бал-ки яқинларимизга, бутун ха-миятга хиёнат қилаётганимиз-ни, бошқаларнинг ҳаётига жиддий таҳдид туғдираётгани-мизна ҳаётки англамасак?

Ҳажон соғлиқни сақлаш таъшилотни бош директори Теодрос Аданом Гебреисус-нинг маълум қилишича, коро-навирус ўлим ҳолати бўйича “чўчка гриппи”дан ўн баробар хавфлироқ, деб топилди. Бо-иси 2009 йилнинг январидан 2010 йилнинг августига қадар давом этган “чўчка гриппи” пандемияси давомиди бир миллионга яқин одамлар зарарланган бўлиб, улардан 18 449 киши вафот этган. Энди тасаввур қилайлик, COVID-19 оқибатида айни вақтда қадрар қанча одам за-рарланди ёки қанчаси ҳаёт-дан қўз юмди? Энг ёмони, бу қўрсаткичлар тезлик билан ўсиб борапти...

Албатта, бу ҳолатлар бар-чамизни уйғоқликка, ҳушёр-ликка ундаши керак.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН АҲОЛИГА ИМКОНИАТ

Давлатимизнинг коронавирус пандемияси шaroитида тadbиркорларга имтиёз ва преференциялар бериш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва моддий қўллаб-қувватлаш сийсати — бугунги кун воқолигининг энг долзарб масаласи сифатида намоеён бўлмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча қабул қилинган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ана шу максдага йўналтирилган би-лан аҳамиятли бўлди. Унга кўра, бир томондан тadbир-корларга кенг имтиёзлар ва преференциялар берилмоқда, иккинчи томондан шу имти-ёзлар орқали улар аҳолининг кам таъминланган қатламла-рини моддий қўллаб-қувват-лашга рағбатлантирилмоқда.

Мисол тариқасида эса Фармонда “Маҳалла” хайрия жамоат фондида, “Саховат ва кўмак” фондида, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида, жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмала-рига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилади-ган ижтимоий қўллаб-қувват-лашга муҳтож бўлган жисмо-ний шахслар рўйхатига ки-ритилган жисмоний шахслар-га бегараз бериладиган пул маблағлари ва товарлар (хиз-матлар)га — фойда солиғини ҳисоблашда чекиртиладиган ҳаражатлар сифатида кара-либ, солиққа тортилмаслиги белгиланганлигини келтириш мўмкин. Уз навбатда, товар-лар (хизматлар) эса қўшилган қиймат солиғидан бутунлай озод қилинади ва айланмадан

олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди. Шу ёрдамни олаётган шахс-ларнинг даромади эса жисмо-ний шахслар даромади сифа-тида қаралмайди ва солиққа тортилмайди. Қолаверса, ли-зинг қорхоналарига ва тadbир-корларнинг тижорат банклари-дан олган кредитлари бўйича ҳам қатор имтиёзлар қўзда тутилган.

Фармонга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари-нинг ваколатлари кенгайти-рилган бўлиб, эндиликда улар солиқларни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бўйича мўддатни мустақил равишда белгилли оладилар.

Умуман, бу Фармон бугун-ги кунда долзарб бўлган ва-зифаларни қамраб олганлиги билан алоҳида эътиборга мо-лик. Уни қисқа қилиб, тadbир-корга имтиёз, кам таъминлан-ган аҳолига имконият, деиш мўмкин.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Онлайн семинар

Муҳаммад Юсуф УСМОН:

Не-не олимۇ мутафаккирларга
бешик бўлган Ўзбекистон замини
бугун ҳам жаҳонда алоҳида
эҳтиром билан тилга олинмоқда

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Малайзия Ислам цивилизацияси институти ҳамкорлигида онлайн семинар ўтказилди. Унда юртимизда диний-маърифий йўналишда фаолият кўрсатаётган ташкилот ҳамда муассасаларнинг 50 дан зиёд олим ва тадқиқотчилари қатнашди.



“Ўрта асрлар таълим тизимида илм-фаннинг ўрни” мавзусидаги семинарда таълим ва илм-фан ривожига ислом динининг аҳамияти, мусулмонларнинг инсоният цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси, жумладан, юртимизда камолга етган олимларнинг бебаҳо меросига доир фикр-мулохазалар билдирилди.

— Исломда шахсни ҳам ақлан, ҳам қалбдан юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади, — деди Малайзия Ислам цивилизацияси институти директори, профессор Муҳаммад Юсуф Усмон. — Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг “Бешикдан қабргача илм излан!” деган ҳадисиде ҳам шу маъномасиз муассамдир. Муқаддас динимиз ирки, миллати, дини, жинси, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир инсон учун илм-фанини умумий қилди. Илм энди-энди шаклланаётган пайтдаёқ, масжидлар қурилиб, улар нафакат ибодат, балки таълим ва маърифат марказларига айлантирилди.

Малайзиялик олим исломда таълимни ривожлантиришга мовароуннахрлик аллома-лар қибёҳи ҳисса қўшганини эътироф этди. Унинг айтишича, илм-фандан хабардор ҳар бир инсон Басра, Бағдод, Қоҳира, Дамашк, Кордоба

каби илм марказлари қаторида, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона сингари шаҳарларимизни ҳам ҳурмат билан тилга олади. “Алгебра”, “алгоритм”, “алкали”, “му-сика”, “камера” каби атамаларнинг илм-фанга кирити-лиши бевосита Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий сингари мовароуннахрлик буюк алломалар номи ва меҳнати билан боғлиқ. Бугун ислом дунёси бу шахсларни “Ўзбекистон марваридлари”, деб тан олади.

Олим Ўзбекистонда бугунги кунда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотларга ҳам юқори баҳо берди.

— Не-не олимۇ мутафаккирларга бешик бўлган Ўзбекистон замини бугун ҳам жаҳонда алоҳида эҳтиром билан тилга олинмоқда, — деди у. — Бу юртингизда илм-фан ва диний маърифат соҳасига қаратилаётган эътибор маҳсу-лидир. Айниқса, улуг аждодларингиз илмий-маънавий меросини ўрганиш ва уларни кенг тарғиб этишга қаратил-ган ишлар чўқур ҳурмат ҳамда таҳсинга лойиқ. Кейинги уч йилда ушбу йўналишдаги ил-мий тадқиқотларни қучайти-риш мақсадида халқаро да-ражадаги марказлар ташкил этилди. Ушбу марказлар дунё илм аҳли билан фикрлашмоқ-да, маълумот алмашмоқда. Малайзиядаги Ислам цивили-зацияси институти ҳам Ўзе-бекистондаги қатор муассаса-лар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу семинар ҳам Имом Бухорий халқаро ил-мий-тадқиқот маркази билан олиб бораётган ҳамкорлик мева-сидир.

Кизгин руҳда ўтган семи-нарда Ўзбекистонлик ёш тад-қиқотчилар таниқли олимдан ўзларини қизиқтирган савол-ларга жавоблар олишди.

«Халқ сўзи».

«Обод қишлоқ» дастури натижаларини БМТ ва ЕХХТ вакиллари эътироф этди



Хўш, қандай ишлар бажарилдики, бу гўша обод манзилга айланди? Айтиш жоиз, туман марказида 1960 — 1970 йилларда қурилган 88 та барак типидagi уйда 939 та оила қий-налиб яшаб келаётганди. Ўтган йили бу оилалар учун Олтинқул маҳалласи ҳудудида 435 та, Олмазор қишлоғида 305 та, жами 740 та яқка тартибдаги, замонавий, миллий услубдаги уй бар-по этилди. Барак уйлар эгаларининг қолганлари янги бунёд қилинган кўп қаватли уйларга кўчиб ўтди.

Меҳмонлар Олтинқул маҳал-ласининг тураржой массивидаги янги уйларга кўчиб чиққан одамларнинг яшаш шaroитлари билан танишди. Коммуникация тармоқлари, электр, газ, ичимлик суви, ички йўллар қурилишидаги ишлар билан қизиқди. 150 иш ўрнига эга тикувчилик чеки фаолиятини кўзда кечирди.

— Бу ерда кўрганларим мен учун қутилмаган янгилик бўлди, — дейди



БМТнинг Ўзбекистондаги доимий му-вофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер. — Одамларни уй-жой билан таъмин-

лаш, улар учун яшаш шaroити яратиб бериш масаласи БМТ фаолиятидаги энг муҳим масала ҳисобланади. Ўзе-

Ишонч — муваффақият калити

Давлатимиз раҳбарининг коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият бўйича халқимизга қилган мурожаатлари ҳар биримизни ҳар қачонгидан қўра масъулиятлироқ бўлишга ундайди. Зеро, бу балони кексаю ёш — ҳаммамиз ҳамжиҳатликда енгиб ўтамиз.

Қатъийлик

Биз, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар бугунги кунда ўз оиламиз бағрида бўлиб туриш билан бирга, масофа-вий таълим платформаси орқали фаолиятимизни давом эттирмоқда-миз. Ҳозирги кунда барча фан ўқув материалларини платформага жой-лаштириб, талабалар билан онлайн дарсларни ташкил қиляпмиз. Бу би-лан ёшларнинг ўқув жараёндаридан узулиб қолмаслиги таъминланмоқ-да. Чунки бир кун қолдирилган дарс, ўз вақтида олинмаган билим кейинги таълим жараёндарига сал-бий таъсир кўрсатиши мумкин.

Донолардан бири “Агар сен ва-зирини ўзгартира олмасанг, вази-ратга нисбатан ўз муносабатингни ўзгартир”, деб таълимотлар. Шун-дай экан, бугунги талабдан келиб чиқиб ишни ташкил этсак, кун ке-либ барча муаммо ечим топганига гувоҳ бўламиз.

Ҳар биримизда пайдо бўлаётган фикр ўз-ўзидан шу фикрга доир эмоционал ҳолатни уйғотди, бу ҳолат эса шу ҳолатга мос бўлган ҳа-ти-ҳаракатларни юзага келтирди. Шунингдек, ҳар қандай ихобиий ҳара-кат — юздаги табассум, бош ва ел-кани тик тутиш қабилир мияда ҳам ўз-ўзидан шу ҳаракатларга мос ке-

ладиган фикрни тўғдиради. Демак, одамда руҳият ҳамда кайфият, фикр ва ҳаракат ўзаро мутаносиблик касб этган. Шунинг учун биз ҳам доимо ўзимизга ишонимиз, бу ишонч эса кайфиятимиз орқали ҳаракатла-римизда, юзимизда, юриш-туриши-мизда акс этиб туриши лозим. Бу-тун халқ биргаликда бу вирусни, ал-батта, енгизишимизга ўзимизни, фар-зандларимизни, яқинларимизни ишонтаришимиз керак.

Психологларнинг таъкидлашича, инсон бахтиёр дaмларининг тўртдан уч қисмини оила даврасида ўтка-зар экан. Карантин сабаб бизга шундай имконият тақдим этилди, ундан унумли фойдаланайлик. Бу билан касалликка қарши курашаёт-ганларга, Ватанимизнинг ёрқин ке-лажагига ёрдам берган бўламиз.

Ҳар бир тунингни тонги, ҳар қан-дай ҳодисанинг ўз сабаблари бўлган-ни каби, ишончимиз қомиллик, зул-мат ортида ҳамиша нур бор. Ана шундай катта ишонч билан корона-вирусни биргаликда енгилдик!

Ҳадичахон ШАРАФУТДИНОВА,
Термиз давлат университети
Психология кафедраси мудири,
психология фанлари номзоди,
доцент.

Фидойилик — бугунги кун талаби

Бу йилги баҳор ҳар доимгидан ҳам масъулиятли келди. “Коронавирус” деган бало бир қанча мураккабликларни тўғдирди. Лекин ҳаёт давом этмоқда, вақт ўтиб борапти. Бундай пайтда, айниқса, биз, ер эгалари “Нима қиламиз энди?” дея ўйларни ўтирмай, одатдагидан кўпроқ ишлашимиз, меҳнат қилишимиз талаб этилади. Чунки эл дастурхонини бойитиш, бозорларимиздаги файзу барака кўп ҳаётдан бизнинг бугунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Қолаверса, давлатимиз ишни пухта ташкил қилишимиз учун ҳамма шароитни яратиб берапти.

Кўклам юмушлари

Биз шулардан келиб чиқиб, карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фаолиятимизни из-лаб беришга ҳар қанча ҳаракат қи-ладиган фикрни тўғдиради. Демак, одамда руҳият ҳамда кайфият, фикр ва ҳаракат ўзаро мутаносиблик касб этган. Шунинг учун биз ҳам доимо ўзимизга ишонимиз, бу ишонч эса кайфиятимиз орқали ҳаракатла-римизда, юзимизда, юриш-туриши-мизда акс этиб туриши лозим. Бу-тун халқ биргаликда бу вирусни, ал-батта, енгизишимизга ўзимизни, фар-зандларимизни, яқинларимизни ишонтаришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари қяинда ўтказилган йиғилишлардан бири-да биз, қишлоқ ҳўжалиги ҳодим-ларининг бугунги меҳнатига юксак баҳо бериб, ўз миннатдорликлари-ни билдирганлари руҳимизни янада кўтариб юборди. Бу шунча-ки миннатдорлик эмас, балки бу-тун эл-юртимизнинг бизга бўлган ишончи, умиди ифодаси эди. Бундай эътирофдан сўнг зим-

кистон раҳбариятининг бу масалани хал этишга катта эътибор билан қараётгани диққатга сазовор. Биз бун-дай саъй-ҳаракатларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлаймиз.

Шу ўринда бу ерда яна бир муҳим жиҳатга, яъни республикадаги кам сонли миллат вакилларига тенг имко-ниятлар яратиб, уларга яшашлари учун барча қулайлик ҳозирланганига гувоҳ бўлдим. Янги уйларга яшаётганларнинг кўпчилиги республи-кадаги кам сонли миллат вакиллари экан. Бу жуда яхши.

Худди шундай фикрларни Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакили ҳам билдирди.

— Уй одамларга фақат бошпана эмас, инсон беҳавотир яшайдиган энг муҳим маскандир, — дейди Жон Макгрегор. — Бу ерда аҳолининг қулай уй-жойга эга бўлгани таҳсинга лойиқ. Яна бир муҳим томони, одам-ларнинг даромади учун энг зарур восита бўлган иш жойидир. Европа стандартлари талабларига яқин

тикувчилик корхонаси барпо этилгани Ҳукумат бу масалани ҳам эътибордан четда қолдирмагани тасдиқидир. Бу му-ваффақиятлар кишини қувонтиради.

Шунингдек, меҳмонлар маҳалла гу-зари қурилиши, савдо ва маиший хиз-мат кўрсатиш иншоотлари, 50 нафар болага мулкжалланган мактабгача таъ-лим муассасаси, сунъий тўшмали спорт майдончаси қурилиши билан танишди. Катта таассурот олди.

Маълумот ўрнида келтириш ке-ракки, ўтган икки йилда Президент Халқ қабулхоналари бошчилигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида республика-нинг 159 та туман, 30 та шаҳар ва Тошкент шаҳрининг 11 туманидаги 1116 та қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли турмуш даражасини юксалти-риш бўйича аниқ мақсадга йўналти-рилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Халқ сўзи».

Ҳаётий ҳикоя

Шифокор Шокиржон бир шахарда туриб, мана, бир ой-дирки, уйига ўтолмайди. Бир ойдирки, у жанг майдонидаги аскардек коронавирус, деган “қўрнимас ёв” билан олишиб ётибди. Бир ойдирки, бемор-лари қошидан бир зум бўлса-да, жилмайди. Шу вақт мобай-нида уни қийнаган нарса, бу — соғинч туйғуси бўлди.

Бир сават қулулнай

Оиласини, фарзандларини, ай-ниқса, эндиғина уч ёшдан ўтиб, тўртта қадам қўяётган қизчасини соғинди. Унинг жамалак сочлари-ни, мунчоқдек кўзларини, чучук тилда лаби-лабига темғай “сава-дек сайрашлари”ни, шеър ўқиш-ларини соғинди. Жуда-жуда соғин-ди. Тўғри, кунда-кун уйидоғилар билан телефонда ҳол-аҳвол сўра-шиб турибди. Аммо... Телефон те-лефон-да. Юзма-юз дийдор-лаштишга не етсин?! Қизчасининг кечаги гаплари ота юрагини, айниқса, ўртаб юборди.

— Дадажон, қанча келасиз? Ке-лишингизда, менга кў-ў-ўп қулул-най олиб келинг.

— Ҳўп, қизим, — деди аранг ўзини тугиб Шокиржон. — Албат-та, олиб бораман...

Қаранг-а, ҳамма нарса тинчлик, хотиржамликка боғлиқ экан-да! Қизчаси эслатмаса, Шокиржон ал-лахачон кўклам офтоби ер-у қўқни яйратиб, қулулнай пишиги бошла-ниб кетганини ҳам унутатэган экан. У ҳар йили худди ана шу пайтда ишдан чиқиб, машинаси рулини “Яшил бозор” томон бурар, уйи-дағиларга саватчада янги ўзилган, баҳорнинг бўйи келиб турган қил-қизил қулулнайларни олиб борар-ди. О, ўшандаги қизчасининг се-винганлари, шодон қулгилари...

Шулари эслаб, ўзини қўярга жой тополмай турган бир пайтда ёрдамчаси Мухаббатхон лаборато-рия таҳлилини олиб кирди. Улар билан синчиклаб танишган шифо-кор йигитнинг юзлари ёришиб, лабларига табассум инди. Э, хай-рийат! Унга қарашли палаталарда даволанаётган йигирма нафар бе-морнинг анализ таҳлиллари яхши чиқибди. Улар касалиқдан буткул халос бўлишмоқда. Қандоқ яхши! Хонага бош шифокор кириб кел-ди. Яна бир неча оппоқ либосда-ги, нифоб тақдан қизлар... Бами-соли сабафга аскарлар... Навбат-даги муваффақият, эришилган ғалаба билан бир-бирларини таб-риклашди. Пандемия чеккиниши бошлади! Ҳадемай уни юртимиз-дан буткул қувиб чиқаришди. “Адаби”ни беришди! Ундан кейин эса... байрам. Ғалаба байрами! Ҳеч қанча ўтмай шаҳар, вилоят соғлик-ни сақлаш бoшқармаси раҳбарла-ри ҳам келиб қолмишди. Хасталик-дан фориг бўлган беморларни ҳам, кунни кун, туни тун демай, улар қoшда парвона бўлган фидойи шифокорларни ҳам даста-даста гуллар билан қўллаб, яхши тилак-лар билан барчаларни реабилита-ция марказларига қузатиб қўйишди...

...Шокиржон сийхаттоҳдан чиқи-боқ, тўғри “Яшил бозор”га борди. Яшнаб, дириллаб турган бир са-ват қулулнай харид қилди. Йўл-йўлакай гул олишни ҳам унутма-ди. Шифокор йигит яна бир неча даққадан кейин хонадониде бай-рам бўлишини, ҳовли қизчасининг шодон қийқирлиқларига тўлиб ке-тишини дилдан туйиб, юраги қувончдан ҳаприқиб, ошиқиб борарди...

Ортиқлик НОМЗОВ
(«Халқ сўзи»).

Пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришда биз танлаган йўл

Коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиёти учун оғир синов бўлмоқда. Кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайиши кузатилиб, қатор тармоқлар инкирозга ўч тутаяпти. Масалан, молия бозоридаги маълумотларни профессионал иштирокчиларга етказиб беришни “Bloomberg” наشري баҳосига кўра, эпидемиологик нобарқарорлик боис дунё бўйича қўрилган зарар микдори ҳозирнинг ўзида 5 триллион долларга етди. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотларида эса жорий йилда дунёда савдо ҳажми 30 фоиз қисқариши қайд этилган.

Таҳлил

Бундан ташқари, Халқаро валю-та жағмараси (ХВЖ) 14 апрелда-ги ҳисоботида 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоиз пасайишини прогноз қилди. Бу ҳолат ҳисоботга киритилган 194 мамлакатдан 157 тасида кузатилиши айтилмоқ-да. Жумладан, АҚШда 5,9 фоиз, Ев-роҳудудга кирувчи давлатларда ўрта-ча 7,5 фоиз, Россияда эса 5,5 фоиз пасайиш тахмин қилинган. Мазкур ҳисоботнинг муқаддимасида ХВЖ бош иқтисодисчи Гита Гопинат “Буюк депрессия (1929 — 1933 йиллар) давридан кейинги жаҳон иқтисодиё-ти энг чўқур рессиясини бошидан кечирishi эҳтимоли”ни таъкидлаб, 2020 йилдаги инкирозни “Буюк карантин” деб атади.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда пандемияга қарамай, иқтисодиёти-да яхши прогноз қилинган 37 та давлат орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги қувонарли, албатта. Буни мамлакатимизда амалга оши-рилаётган ислохотларга халқаро ташкилотларнинг ишончи сифати-да эътироф этиш мумкин. Лекин, бу — прогноз. Уни ҳақиқатга ай-лантириш учун эса республикамиз-да жиддий чоралар қўрилимоқ-да. Бунда, энг аввало, 10 триллион сўм маблағ молиқдорлига. Инкирозга қарши курашиш жағмарасининг ташкил этилгани, халқаро молия институтлари билан умумий қий-

мати 3 миллиард доллардан ортиқ узоқ мuddати имтиёзли кредит-лар ва грантларни жалб қилиш бўйича қелишувларга эришилгани муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда коронавирус пан-демияси ва глобал инкироз ҳолат-ларининг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тад-бирларни икки йирки йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш — страте-гик аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолига пандемия даврида зару-рий хизматлар кўрсатувчи инфра-тузилма объектлари фаолияти барқарорлигини сақлаб қолиш.

Иккинчи йўналиш — инкироз даврида иқтисодий қийинчиликка учраган ҳўжалик йортувчи субъект-ларга молиявий кўмак бериш, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, солиқларни тўлаш мuddатини ке-чиктириш ва бошқа енгилликлар-ни манзилли йўналтириш орқали иқтисодиёт ўсишини рағбатланти-риш, аҳолининг даромадлари кес-кин пасайишининг олдини олиш, иш ўринларини сақлаб қолиш, иш-сизиликнинг олдини олиш.

Ўзбекистонда коронавирус пан-демияси ва глобал инкироз ҳолат-ларининг иқтисодиёт тармоқлари-га салбий таъсирини юмшатиш, бунинг натижасида аҳоли даромад-

ларини рағбатлантириш ва тадбир-корлик субъектларини солиқ им-тиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш бўйича Президентнинг учта мах-сус Фармони қабул қилинди.

Бунлар 2020 йил 19 мартдаги “Ко-ронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбат-даги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги, 2020 йил 3 апрелдаги “Коро-навирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўйим-ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 27 апрелдаги “Ко-ронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектла-рини қўллаб-қувватлаш бўйича қўйимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги фармонлардир.

Қабул қилинган ҳужжатларда, энг аввало, коронавирус пандемия-си ва глобал инкироз шароитида қули зарар қўриши мумкин бўлган соҳалар — авиаташкиллар, туризм ва меҳмонхона хизматларини со-лиқлардан озод этиш кўзда тутил-ган. Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи субъектлар, “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибий бўлимларини, “Uzbekistan Airports” АЖ ва “Узаэронавигация маркази” давлат унитар корхона-си ер ва мол-мулк солиқларидан 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар озод қилинди, шу билан бирга, иш ҳақларига нисбатан ҳисобланадиган ижтимоий солиқ-нинг ставкаси 12 баробар па-сайтирилди, 12 фоиздан 1 фоизга туширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Халқаро ҳаво транспорт асоциа-цияси маълумотларига кўра, дунё бўйича авиаташувларнинг мажбу-рий тўхташи жами 113 миллиард доллар зарар келтириши мумкин. Вирус тарқалиши кенг микёсда

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳoси қелишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тажрибига келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўтқиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.
Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишини “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон қўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.30 Топпирилди — 01.55 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбўтотчилар қўчаси, 32-йй. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Мусаҳҳис — Ш. Машраббев.